2016 ЙИЛ 4 СЕНТЯБРЬ, ЯКШАНБА

Тошкент оқшоми

Газета 1966 йил 1 июлдан чиқа бошлаган

ШАҲАР ИЖТИМОИЙ-СИЁСИЙ КУНДАЛИК ГАЗЕТАСИ

№ 186 (13.249)

Баҳоси эркин нархда

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНИНГ БИРИНЧИ ПРЕЗИДЕНТИ ИСЛОМ КАРИМОВ БИЛАН ВИДОЛАШУВ


Мамлакатимиз, бутун халқимиз оғир жудоликка учради. Ўзбекистон Республикасининг Биринчи Президенти Ислом Каримов 2016 йил 2 сентябрь куни вафот этди. Шу муносабат билан 2016 йил 3 сентябрдан мамлакатимизда уч кунлик мотам эълон қилинди. Мамлакатимизда ва хорижий давлатлардаги Ўзбекистон Республикаси элчихоналарида Ўзбекистоннинг давлат байроқлари туширилди.











Тошкент ва Самарқанд шаҳарлари кўчаларида ўн минглаб ватандошларимиз чуқур қайғу ва кўз ёшлари билан Президентимиз билан видолашди.

Самарқанд шаҳридаги Форумлар мажмуасида 3 сентябрь куни Ўзбекистон Республикасининг Биринчи Президенти Ислом Каримов билан видолашув маросими бўлиб ўтди.

Маросимда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Раиси Н.Йўлдошев, Қонунчилик палатаси Спикери Н.Исмоилов, сенаторлар, депутатлар, вазирлик ва идоралар раҳбарлари, Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳридан вакиллар, хорижий давлатларнинг мамлакатимиздаги элчихоналари ва халқаро ташкилотлар ваколатхоналари раҳбарлари иштирок этди.

Маросимда Туркманистон Президенти Гурбангули Бердимуҳамедов, Тожикистон Республикаси Президенти Имомали Раҳмон, Афғонистон Ислом Республикаси Президенти Ашраф Ғани, Россия Федерацияси Бош вазири Дмитрий Медведев, Хитой Халқ Республикаси Давлат кенгаши Бош вазири ўринбосари Чжан Гаоли, Корея Республикаси Бош вазири ўринбосари Ли Жун Сук, Беларусь Республикаси Бош вазири Андрей Кобяков, Қозоғистон Республикаси Бош вазири Карим Масимов, Озарбайжон Республикаси Миллий Мажлиси Раиси Октай Асадов, Грузия Республикаси Бош вазири Георгий Квирикашвили, Қирғизистон Республикаси Бош вазири Сооронбой Жээнбеков, Туркия Республикаси Бош вазири ўринбосари Туғрул Йилдирим, Украина Республикаси Бош вазирининг биринчи ўринбосари Степан Кубов, Бирлашган Араб Амирликлари давлат вазири Рашид бин Аҳмад бин Фаҳад, Арманистон Республикаси парламенти вице-спикери Эрмине Нагдалян, Япония парламент вазири Мотомэ Такисава, Эрон Ислом Республикаси ташқи ишлар вазири Муҳаммад Жавад Зариф, МДҲ Ижрочи котиби Сергей Лебедев ва бошқалар қатнашди.

Маросимни Ўзбекистон Республикаси Бош вазири Ш.Мирзиёев очиб, Ислом Каримовнинг оила аъзоларига, халқимизга чуқур ҳамдардлик билдирди.

"Нуроний" жамғармаси Қашқадарё вилояти бўлими раиси Я.Иноятов, Ўзбекистон халқ шоири Э.Сиддиқова ва бошқалар Ислом Каримовнинг халқимиз бахт-саодати йўлида амалга оширган буюк ишлари ҳақида сўз юритди.

Туркманистон Президенти Гурбангули Бердимуҳамедов том маънодаги ватанпарвар инсон ва буюк давлат арбоби, доно сиёсатчи Ислом Каримовнинг барча ташаббуслари халқаро майдонда қўллаб-қувватланганини, Туркманистонда ёшу қари у кишини чин дилдан ҳурмат қилишини таъкидлади. Ислом Каримов Туркманистон – Ўзбекистон ҳамкорлигини изчил ривожлантиришга катта ҳисса қўшганини қайд этиб, Туркманистонда майдон ва кўчаларга Ислом Каримов номи берилишини маълум қилди.

Тожикистон Республикаси Президенти Имомали Раҳмон Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов вафоти муносабати билан халқимизга ҳамдардлик билдириб, Ислом Каримовнинг ҳаёти ва фаолияти ўз халқи ва Ватанига фидокорона хизмат қилишнинг ёрқин намунаси эканини таъкидлади. Ислом Каримовнинг оқилона сиёсати натижасида Ўзбекистонда тинчлик, осойишталик ва барқарорлик қарор топгани, тараққиётнинг "ўзбек модели" самарасида мустақиллик йилларида Ўзбекистон иқтисодиёти 6 баробар ўсгани ва аҳоли турмуш даражаси юксалганини алоҳида қайд этди.

Афғонистон Ислом Республикаси Президенти Ашраф Ғани Афғонистон ва Ўзбекистон халқлари азалдан яхши қўшничилик муносабатларида яшаб келаётганини таъкидлаб, Ўзбекистон Республикасининг Биринчи Президенти Ислом Каримов вафоти муносабати билан Ўзбекистон халқига чуқур ҳамдардлик билдирди. Ислом Каримов Афғонистонда тинчлик ва осойишталик ўрнатиш, икки мамлакат ўртасидаги ҳамкорликни ривожлантиришга катта ҳисса қўшганини, яқинда Тошкентда бўлиб ўтган ШҲТ саммитида Президентимиз билан учрашуви ғоят мазмунли бўлганини алоҳида таъкидлади.

Россия Федерацияси Бош вазири Дмитрий Медведев Ислом Каримовнинг оила аъзолари ва Ўзбекистон халқига Россия Федерацияси Президенти Владимир Путин номидан таъзия билдирди. Ислом Каримов буюк давлат арбоби бўлганини, ўз халқига, Ватанига хизмат қилишни юқори даражага кўтарганини таъкидлади. Ислом Каримов Россия билан Ўзбекистон ўртасидаги муносабатлар иттифоқчилик даражасига кўтарилишига катта ҳисса қўшганини алоҳида қайд этди.

Хитой Халқ Республикаси Давлат кенгаши бош вазири ўринбосари Чжан Гаоли Ислом Каримов мустақил Ўзбекистон Республикасининг асосчиси эканини, ўтган йилларда Ўзбекистон ҳар томонлама ривожланганини таъкидлади. Ислом Каримов бошлаган буюк ишлар давом этиши ва мамлакат янада равнақ топишига ишонч билдирди. Ислом Каримовнинг улкан хизматлари билан жорий йилнинг июнь ойида давлатларимиз ўртасидаги муносабатлар ҳар томонлама стратегик шериклик даражасига кўтарилганини, Хитой Ўзбекистон билан ҳамкорликни изчил ривожлантиришга тайёр эканини қайд этди.

Қозоғистон Республикаси Бош вазири Карим Масимов Қозоғистон Республикаси Президенти Нурсултон Назарбоевнинг халқимизга ҳамдардлик билдирилган мактубини ўқиб берди. Унда Қозоғистон халқи Ислом Каримов вафот этгани тўғрисидаги машъум хабарни чуқур қайғу билан қабул қилгани айтилган. Мустақиллик йилларида Ўзбекистон ҳаётида рўй берган кенг кўламли ўзгаришлар, мамлакатнинг иқтисодий салоҳияти ва халқаро ҳамжамиятдаги нуфузи юксалгани, аҳоли турмуш даражаси ошгани бевосита Ислом Каримов номи билан боғлиқ экани таъкидланган. Қозоғистон ва Ўзбекистон ўртасидаги яхши қўшничилик муносабатларини мустаҳкамлашга улкан ҳисса қўшган Ислом Каримовнинг оила аъзоларига, бутун халқимизга ҳамдардлик билдирилган.

Беларусь Республикаси Бош вазири Андрей Кобяков Беларусь Республикаси Президенти Александр Лукашенко ва беларусь халқи номидан Ислом Каримовнинг оила аъзолари, яқинларига, бутун халқимизга чуқур ҳамдардлик билдирди. Буюк инсон, улуғ Йўлбошчи бўлган Ислом Каримов бутун куч ва имкониятларини ўз халқи, Ватани равнақига сарф этганини таъкидлади. Президентимизнинг "Янги уй қурмай туриб, эскисини бузманг" деган ҳикматли сўзлари мустақил ва қудратли Ўзбекистон Республикасини барпо этишда асос бўлганини, бугун мамлакатимиз кўптармоқли иқтисодиётга эга, тинчлик элчиси бўлган давлатга айланганини қайд этди.

Қирғизистон Республикаси Бош вазири Сооронбай Жээнбеков Қирғизистон Президенти Алмазбек Атамбоевнинг Ўзбекистоннинг Биринчи Президенти вафоти муносабати билан халқимизга чуқур таъзия билдирилган мактубини ўқиб берди. Унда буюк давлат арбоби, доно сиёсатчи Ислом Каримовнинг қатъий саъй-ҳаракатлари билан икки мамлакат ўртасидаги ҳамкорлик ва минтақавий аҳамиятга молик масалаларга ижобий ечим топилгани, бу бугунги кунда ҳам халқларимиз манфаатларига хизмат қилаётгани таъкидланган.

Мусулмончилик урф-одатларига биноан Регистон мажмуасидаги Тиллакори мадрасасида жаноза намози ўқилди.

Ислом Каримов ўзининг васиятига биноан ота-онаси мангу қўним топган Шоҳи Зинда қабристонида дафн этилди.

Ўзбекистон Республикасининг Биринчи Президенти, мамлакатимиз мустақиллиги ва янги давлатчилигининг асосчиси, буюк сиёсатчи, тинчликпарвар ва халқпарвар давлат раҳбари, доно ислоҳотчи ва комил инсон Ислом Каримовнинг сўнмас хотираси қалбимизда абадий сақланиб қолади. Бу видолашув маросимида иштирок этган ўн минглаб ватандошларимиз, бутун халқимиз дилидаги сўзлардир.

(ЎзА)

ЎзА суратлари

"ЖАҲОНДА ЭЪТИРОФИНИ ТОПГАН "ЎЗБЕК МОДЕЛИ" КЕНГ КЎЛАМЛИ МУВАФФАҚИЯТЛАРНИНГ АСОСИДИР"

Яқинда Шанхай халқаро тадқиқотлар университети ҳузуридаги Марказий Осиё мамлакатлари тадқиқотлари маркази томонидан Ўзбекистонда мустақиллик йилларида амалга оширилаётган ислоҳотлар ва уларнинг самараларига бағишланган давра суҳбати ўтказилди. Унда Хитой эксперт-академик доиралари вакиллари ҳамда Шанхай халқаро тадқиқотлар университетининг Ўзбек тили кафедраси мутахассислари иштирок этди.

Тадбир қатнашчилари мамлакатимизнинг суверен ривожланиш йилларида қўлга киритган кенг кўламли муваффақиятлари, ижтимоий-иқтисодий кўрсаткичлари, демократик ислоҳотларнинг ҳаётга босқичма-босқич татбиқ этилиши жараёнлари билан яқиндан танишдилар.

Давра суҳбати якунида унинг айрим иштирокчилари "Жаҳон" ахборот агентлиги учун интервью берди.

Ван Нин,
Марказий Осиё мамлакатлари тадқиқотлари маркази директори:

— Жорий йилнинг май ойида олий ўқув юртимиз делегацияси таркибида Ўзбекистонга боришга муяссар бўлган, мамлакатингиздан эса унутилмас таассуротлар билан қайтгандим. Чунки сафарим давомида юртингизда давлат ва жамият ҳаётининг барча соҳасида изчил ривожланишнинг гувоҳига айландим. Қайд этиш жоизки, республикангизнинг ўз олдига қўйган мақсадларига эришиш йўлидаги ишончли қадамлари юқори баҳога сазовордир.

Кенг миқёсдаги бунёдкорлик ҳамда ободонлаштириш юмушлари бўйича олиб борилаётган чора-тадбирлар натижалари, замонавий транспорт-коммуникация инфратузилмаси яратилгани, аҳоли фаровонлиги таъминлангани ўзбекистонликларнинг юз-кўзларида яққол акс этиб турганини кўрдим.

"Ўзбек модели" номи билан жаҳонда эътирофини топган тараққиёт йўли, шубҳасиз, бу муваффақиятларнинг асоси ҳисобланади.

Чжан Цзили,
Марказий Осиё мамлакатлари тадқиқотлари маркази ижрочи директори:

— Мен мамлакатингиз қўлга киритган ютуқлардан яхши хабардорман. Ўзбекистонга бир неча маротаба борган чоғларимда республикани модернизациялаш ва янгилаш йўлида олиб борилаётган изчил ислоҳотларнинг гувоҳи бўлганман.

Бугунги кунда Ўзбекистон дунёнинг ривожланган давлатлари сафидан жой олиш мақсадида демократик ўзгаришлар йўлидан ишонч билан бормоқда. Шубҳасиз, бунинг учун республика зарур салоҳиятга эга. Эришилган марралар эса ҳар томонлама пухта ўйланган ислоҳотлар стратегиясининг, иқтисодиётни либераллаштириш ҳамда диверсификациялашнинг ёрқин натижасидир.

Биз Ўзбекистонда кўплгина йирик инфратузилма лойиҳалари Хитой компаниялари иштирокида амалга оширилаётганидан хурсандмиз. Ангрен — Поп электрлаштирилган темир йўли ва ундаги Қамчиқ туннели қурилишини икки томонлама муваффақиятли ҳамкорликнинг мисоли сифатида кўрсатиш мумкин.

У Айжун,
Шанхай халқаро тадқиқотлар университетининг Ўзбек тили кафедраси мудири:

— Ўзбекистонда рўй бераётган ўзгаришлар, қўлга киритилаётган ютуқларга Хитой жамоатчилиги катта қизиқиш билан қарашини ҳисобга олиб, ана шу жараёнлар ҳақидаги мақолалар олий ўқув юртимизнинг веб-саҳифасига мунтазам равишда жойлаштирилади. Ўйлайманки, ўзбек халқи забт этаётган марралари билан фахрланишга ҳақлидир.

Мамлакатингизнинг иқтисодиёт барқарор ривожланишини таъминлаш, қулай ишбилармонлик муҳитини яратиш бўйича тажрибаси хорижлик мутахассислар томонидан фаол ўрганилмоқда. Жалб этилаётган чет эл сармоялари, шу жумладан, Хитой капиталининг ҳажми тобора ортиб бораётгани бу йўналишда олиб борилаётган ишлар самарадорлигининг тасдиғидир.

"Жаҳон" АА.
Шанхай

ФУҚАРОЛИК ЖАМИЯТИ РИВОЖЛАНИШИДА ЁШЛАРНИНГ ФАОЛЛИГИНИ ОШИРИШ

Ижтимоий мослашув – шахснинг ижтимоий қадрият, меъёр, урф-одат ва қонун-қоидаларни ўзлаштириш жараёни ҳисобланади. "Ижтимоий мослашув" аксарият илмий адабиётларда "ижтимоийлашув" тушунчаси билан айнан бир хил маъно касб этиши қайд қилинади. Ижтимоий мослашув шахснинг, хусусан ёшларнинг, ижтимоий маконда шаклланишидир. Ижтимоий мослашув жараёнида шахс тўлақонли муносабатларга (сиёсий, ижтимоий, иқтисодий в.б.) киришиш салоҳияти ва ижтимоий қадриятларни қабул қилиш лаёқатини намоён қилади. Таъкидлаш лозимки, ижтимоий мослашув узоқ давом этувчи жараён.

Ёшларда ижтимоий мослашув жараёни ўзига хос хусусиятларга ва шароитларга эга. Шахснинг болаликдан ўсмирликка ўтиш даврида ўзлигини англаб етишга ва ён-атрофдагилар томонидан эътироф этилишига уринишларининг кўпайиши кузатилади. Масалан, қайсидир касб эгаси бўлиш мақсади, ўқув жараёнидаги муваффақиятлари орқали бошқалар томонидан унинг ютуқларини эътироф этилишига ҳаракатлар шулар жумласидандир. Бу даврда шахснинг атрофдаги воқеа-ҳодисаларга нисбатан ўз нуқтаи назари шакллана боради. Шунингдек, ёшларнинг ушбу даврда ахборот олиш ва уни қайта ишлаб бошқаларга етказишга эҳтиёжи ортади. Ёшлар ўзларининг ижтимоий макондаги мавқеини шакллантириш ва мустаҳкамлаш мақсадида ижтимоий ҳаётдаги энг муҳим мавзулар (сиёсат, иқтисодиёт, жаҳон ҳамжамияти) билан мунтазам танишиб борадилар. Айни шу даврдан барча ижтимоий институтлар (оила, маҳалла, таълим муассасаси, тегишли нодавлат ташкилотлар ва ижтимоий ҳаракатлар) ёшларда фуқаролик маданиятини шакллантириб боришга ҳаракат қилишлари лозим. Ижтимоий мослашув биринчи кўринишда шахснинг ўзи билан кечадиган бўлса, иккинчи кўринишда унинг шаклланишига таъсир қилувчи ижтимоий муҳит билан боғлиқликда давом этади.

Фуқаролик жамияти ривожланишида ёшларнинг ижтимоий мослашуви ва сиёсий фаоллигини ошириш масалаларига тўхталар эканмиз, аввало, ушбу "фуқаролик жамияти" тушунчасига таъриф бериб ўтсак. Фуқаролик жамияти – бу ижтимоий макон ва унда қонун ҳукмронлик қилиб, киши ўзини-ўзи ривожлантиришга халақит бермасдан, аксинча, унга кўмаклашади ҳамда шахс манфаатларини амалга ошириш, унинг ҳуқуқ ва эркинликларининг имкон қадар кўпроқ амалда бўлишига ёрдам беради.

Фуқаролик жамиятининг шаклланишида фуқароларнинг сиёсий-ҳуқуқий саводхонлиги ва маданияти муҳим аҳамият касб этади. Ёшларнинг сиёсий-ҳуқуқий саводхонлиги фуқаролик ўзлигини англашининг асосий мезонидир. Сиёсий-ҳуқуқий билимларни мукаммал эгаллаш орқали шахс ўзи яшаётган давлат ва жамиятга мансублигини тушуниб етади. Истиқболда фуқаро ўзи мансуб бўлган жамият ва давлат манфаатларини англай бошлайди. Давлат ва жамият тараққиёти фуқароларнинг сиёсий-ҳуқуқий маданияти, уларнинг бу жараёндаги иштироки ва фаоллиги билан боғлиқ. Шу ўринда "сиёсий фаоллик нимани англатади?", деган саволга жавоб бериб ўтсак. Сиёсий фаоллик – фуқароларнинг ўз манфаатлари асосида сиёсий жараёнларда иштирок этиши, кузатиб бориши ва ўз муносабатини турли ижтимоий-сиёсий институтлар (сиёсий партиялар, вакиллик органлари, ижтимоий ҳаракатлар в.б.) ёки мустақил равишда билдиришидир.

Бугунги кунда ёшларнинг ижтимоий-сиёсий фаоллигини оширишда қуйидаги масалалар муҳим саналади:

- ёшларга сиёсий-ҳуқуқий билимларни тушунарли, халқчил тарзда ёритиб бориш;
- қулай ва тезкор фойдаланишга мўлжалланган маълумотлар базасини шакллантириш;
- сиёсий партиялар "ёшлар қаноти", тегишли нодавлат нотижорат ташкилотларнинг таълим муассасалари билан фуқаролик жамияти шаклланишида ёшларнинг ижтимоий-сиёсий фаоллигини оширишга қаратилган ҳамкорлигини кучайтириш;
- олий таълим даргоҳларида, ижтимоий-сиёсий фанлар доирасида ёшларнинг фуқаролик жамияти шаклланишидаги сиёсий фаоллигини оширишга бағишланган илмий тадқиқотларини қўллаб-қувватлаш ва рағбатлантириш;
- оммавий ахборот воситалари орқали фуқаролик жамияти ривожланишида ёшларнинг ижтимоий мослашуви ва сиёсий фаоллигини ошириш масалаларини тегишли мутахассислар иштирокида ёритиб бориш.

Келажак бугундан бошланади. Юксак салоҳиятга эга, фидойи, ватанпарвар, давлат ва жамият манфаатларининг ҳақиқий ҳимоячиси бўлган фуқароларни тарбиялаш барчамизнинг инсоний бурчимиздир.

Беҳзод СУЛТОНОВ,
Фуқаролик жамияти шаклланишини мониторинг қилиш мустақил институти Тошкент шаҳар ҳудудий бўлинмасининг етакчи мутахассиси

КЕНГ КЎЛАМЛИ ИСЛОҲОТЛАР

Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитаси томонидан "Мустақиллик йилларида божхона органлари тараққиёти" мавзусида матбуот анжумани бўлиб ўтди.

Мамлакатимизда 1991 йилда божхона тизими ташкил этилиб, унинг ташкилий-ҳуқуқий асослари яратилди. Истиқлол йиллари мобайнида ушбу тизимда ҳам кенг кўламли ислоҳотлар амалга оширилиб, божхона органлари фаолияти тобора такомиллаштирилди ва ривожлантирилди.

Бугун божхоначиларимиз ташқи савдо айланмасини тартибга солиш орқали республикамиз иқтисодий тараққиётига муносиб ҳисса қўшиб келмоқдалар. Юртимизда миллий божхона хизмати тизими самарадорлигини ошириш, соҳани янада такомиллаштириш, ҳуқуқий асосини мустаҳкамлашга қаратилган бир қатор қонун ва қонуности ҳужжатлари қабул қилинган ва амалиётга изчил татбиқ этилмоқда.

Ҳозирги кунда божхона органлари босқичма-босқич тарзда шакллантирилган ва яхлит такомиллашган "Ягона автоматлаштирилган ахборот тизими"га эга. Ушбу тизим божхона тўловларининг тўғри ундирилишини мониторинг қилиш, расмийлаштирув жараёнларини соддалаштириш, товар ва транспорт воситаларини назорат қилиш ҳамда ташқи иқтисодий фаолият қатнашчиларига қулайликлар яратишда ижобий самара бермоқда.

Давлат божхона қўмитасининг расмий веб-сайти ҳамда Ягона интерактив давлат хизматлари портали орқали йигирмадан ортиқ интерактив хизматлар кўрсатилмоқда. Масалан, www.customs.uz веб-сайти орқали тадбиркорлар ва ташқи иқтисодий фаолият иштирокчилари зарур маълумотлардан фойдаланиш ҳамда божхона расмийлаштируви жараёнини он-лайн кузатиш имконига эгалар.

Шунингдек, тадбиркорлар, йўловчи ва сайёҳларга қулайлик яратиш мақсадида декларациялар, товар ва транспорт воситаларига оид ҳужжатлар, ҳисоботларни интерактив хизматлар орқали электрон тақдим этиш ва расмийлаштириш тартиби йўлга қўйилди. Қолаверса, тегишли вазирлик ва идоралар билан аниқ вақт ичида электрон маълумот алмашинувининг жорий этилиши тадбиркорларнинг тегишли ҳужжатларни олишида қулайлик туғдирди.

Анжуман доирасида журналистлар Давлат божхона қўмитасининг собиқ "Божхона тарихи" музейи негизида ташкил қилинган "Божхона маънавият маркази" билан ҳам таништирилди.

Мазкур марказ мамлакатимиз божхонасининг тарихи, яқин ўтмиши ва мустақиллик йилларидаги тараққиётидан ҳикоя қилади. Марказ экспозициясидан мустақил Ўзбекистоннинг халқаро божхона ҳамжамиятидаги ўрни, мамлакатимизнинг экспорт салоҳияти, божхона тизими ривожининг тарихий босқичлари, соҳага жалб қилинаётган ахборот технологиялари, кадрлар тайёрлаш тизими каби бир қатор йўналишлар бўйича стендлар ўрин олган.

Шу билан бирга, тадбир иштирокчилари Давлат божхона қўмитасининг видеокузатув тизими ва Марказий божхона лабораторияси фаолияти билан ҳам таништирилди.

Тадбир давомида божхона органларининг халқаро ҳамкорлиги, шунингдек, соҳа ходимларини ижтимоий қўллаб-қувватлаш борасида амалга оширилаётган ишлар, Давлат божхона қўмитасининг Олий ҳарбий божхона институти ва Миллий кинология маркази фаолияти бўйича ҳам батафсил маълумотлар берилди.

Журналистларнинг саволларига мутахассислар томонидан атрофлича жавоб қайтарилди.

Абдували СОДИҚОВ

ҲУНАР – ҲУНАРДАН РИЗҚИНГ УНАР



Шодиёна Турдиалиева оилада тўнғич фарзанд, ота-онаси, икки укаси бор. У мактабда ўқиб юрган кезларидаёқ тиришқоқ ва интилувчан қиз эди. 2004 йили мактабни аъло баҳоларга битиргач, Ўзбекистон Давлат жаҳон тиллари университети қошидаги Учтепа академик лицейида таҳсил олди.

Лицейни битиргач, олий маълумот олиш мақсадида бир неча йил ўқишга топширди, аммо кира олмади. 2010 йилда "Tashkent PLAZA" меҳмонхонаси ёнида жойлашган намойишлар марказида ёғоч ўймакорлиги маҳсулотларини сотишда ёрдамчи бўлди. Ўша ерда халқ амалий санъати дурдоналари билан танишди. Бу ерда ҳунармандларнинг ишлаб чиқарган маҳсулотлари намойиш этиларди. Айниқса, кашта тикиш билан шуғулланувчи ҳунармандларнинг ишлари унга олам-олам завқ бағишларди. Шодиёна ҳам шу тариқа каштачиликка қизиқиб қолди, ўз ишининг устаси бўлган Мадина Қосимбоевага шогирдликка тушиб, ундан бу ҳунарнинг сир-асрорларини ўрганди.

Ш.Турдиалиева 2011 йилдан миллий матолардан кашта тикиб мустақил ишлай бошлади. Ўз билганларини бошқаларга ўргатди.

Аста-секин уни кўргазма ва кўрик-танловларга таклиф қила бошлашди. 2013 йили ўзи тиккан маҳсулотлари билан Сергели туманида ўтказилган "Ташаббус" кўрик-танловида қатнашиб биринчи ўринни олган бўлса, шаҳар босқичида иккинчи ўринни қўлга киритди.

Шодиёна турли кўргазмаларда қатнашиб туради, 2015 йилда Уммон давлатида ўтказилган халқаро кўргазмада ўз маҳсулотлари билан иштирок этиб қайтди, "Ватаним тараққиётига менинг ҳиссам" ёшлар фестивалида ҳам ўз ижоди билан иштирок этди. Айни пайтда у фаолиятини янада кенгайтириш устида изланмоқда.

— Келажакдаги орзуларим, ишимни тўхтатмасдан янги-янги лойиҳалар устида ишлаб, фаолиятимни ривожлантириш, — дейди Шодиёна Турдиалиева. — Ўзбек миллий каштачилигини халқаро кўргазмаларда намойиш этиш орқали юртимиз довруғини оламга ёйиш.

Биз Шодиёна Турдиалиеванинг ишларига омад тилаб қоламиз.

З.ШАРИФЖОНОВ

Қонун ва ижро

ГАРОВ РЕЕСТРИ — КРЕДИТОРЛАР ҲИМОЯЧИСИ

– Бугунги кунда барча тижорат банклари, микрокредит ташкилотлари ва ломбардлар, шунингдек, бошқа хўжалик субъектлари ҳамда жисмоний шахслар гаров реестри хизматидан фойдаланмоқда, – дейди ЎзА мухбирига Ўзбекистон Республикаси Марказий банки ҳузуридаги "Гаров реестри" давлат унитар корхонаси директори Шерзод Холиёров. – Бу мамлакатимизнинг молия-банк тизимини халқаро стандартларга мос инфратузилма билан таъминлаш ҳамда кредиторлар манфаатларини янада ишончли ҳимоялашда қўл келмоқда. Гаров реестридан реал вақт режимида интернет ахборот тармоғи орқали фойдаланиш имконияти таъминланмоқда. Бу тизим Халқаро молия корпорациясининг гаров реестри бўйича халқаро экспертлари томонидан юқори баҳоланди.

Ҳозир гаров муносабатларига бинолар ва иншоотларнигина эмас, интеллектуал мулк, инвентарь ва хомашёлар, дебитор қарзлар, қишлоқ хўжалигининг кутилаётган ҳосили ва бошқа мулкларни ҳам жалб этиш мумкин.

Кредиторлар томонидан молиялаштириш амалиётларини шундай таъминотлар остида амалга ошириш ва таваккалчиликни камайтиришда гаров реестри қўл келади.

Гаров реестрини мажбуриятлар бажарилишини таъминлаш воситаси сифатида бериб қўйилган мулклар тўғрисидаги электрон эълонлар тахтаси дейиш ҳам мумкин. Бундай эълонлар тахтасидан ҳар бир кредитор ёки бошқа исталган шахс www.garov.uz сайти орқали баҳраманд бўлади. Бу маълум бир мол-мулкнинг гаровдалиги бўйича ва гаровдаги мол-мулк ҳисобига ўз талабларининг қаноатлантирилишини талаб қилиш ҳуқуқига эга бўлган кредиторлар тўғрисида маълумотларни кузатиб бориш имконини беради.

Гаров реестри кредиторларнинг кредит таваккалчилигини пасайтиришга ҳамда тадбиркорлик субъектларини мулк гарови остида кредитлаш имконияти кенгайишига хизмат қилади. Гаров реестридаги ахборотни қарздор – солиқ тўловчининг идентификация рақами ёки ёзувнинг ягона рўйхатдан ўтказиш рақами ёхуд айрим мол-мулкларнинг рўйхат белгилари бўйича излаш имконияти таъминланган. Фойдаланувчиларга мол-мулк тўғрисида гаров реестрига ёзув киритилганлиги ҳақида электрон шаклда, зарур ҳолларда қоғозда ахборот тақдим этилиши мумкин.

Гаров реестри фаолияти давомида фойдаланувчилар томонидан 320 мингга яқин ёзув қайд этилди, 19,4 мингдан ортиқ ёзувларга ўзгартишлар киритилди, қарийб 46,3 мингта ёзув гаров мажбуриятлари бажарилганлиги муносабати билан гаров реестридан чиқарилди. Фойдаланувчиларга ёзувлар бўйича 1,9 мингдан зиёд кўчирма тақдим этилди. Натижада гаров реестрига таъминот сифатида қабул қилинган 550 мингдан ортиқ мулк объекти бўйича кредиторлар ҳуқуқлари тўғрисида ёзувлар киритилди.

Табиийки, 2013 йил 23 октябрда қабул қилинган "Гаров реестри тўғрисида"ги қонун кучга кирганидан буён ўтган қисқа вақтда эришилган ушбу натижалар юртимизда гаров реестрининг оммалашиб бораётганини кўрсатмоқда ва мазкур қонуннинг нақадар ўз вақтида ва тўғри қабул қилинганлигидан далолат бермоқда.

Гаров реестрининг кредитор учун қандай афзалликлари бор? Юқорида келтирилган қонуннинг 9-моддасида кредиторларнинг ундирувни гаров объектига қаратиш бўйича ҳуқуқлари аниқ белгилаб қўйилган. Агар қонунда бошқача қоида назарда тутилмаган бўлса, гаров реестрига ёзувни киритиш вақти ва санаси кредиторнинг қарздор ўз мажбуриятларини бажармаган ҳолларда бошқа кредиторлар ва учинчи шахслардан олдин ундирувни қарздорнинг мол-мулкига қаратишга, бошқа талабларни қаноатлантиришга бўлган имтиёзли ҳуқуқини аниқлаш учун асос бўлади.

Бундан ташқари, кредитор гаров реестри базасидан таъминот сифатида қабул қилинаётган мол-мулк (актив, ҳуқуқ) гаров сифатида фойдаланилаётганлиги тўғрисидаги ахборотни қисқа муддатда олиш имкониятига эга бўлади. Мисол учун, бир шахс ўз мулкини бир неча мажбурият таъминоти учун ўрнатилган тартибда кўп марта гаровга қўйиши мумкин. Кредиторлар гаров реестридан қарздорнинг мулклари бошқа мажбурият бўйича гаровга қўйилганлигини мустақил аниқлаш имконига эга бўлади. Чунки ҳар бир кредитор гаровга қабул қилган мол-мулклари тўғрисидаги маълумотларни "Гаров реестри тўғрисида"ги қонуннинг 9-моддасида келтирилган имтиёзли ҳуқуқга эга бўлиш мақсадида гаров реестрига киритиб боради.

Гаров реестрининг жорий этилиши кредитлар ҳажмининг сезиларли даражада ўсишига таъсир кўрсатмоқда. Чунки гаров мулки банк учун кредит таваккалчилигини пасайтирса, қарз олувчи учун қарамоғидаги мол-мулкини гаровга қўйиш эвазига қулай ва максимал даражада тез кредит олишга имкон беради.

Сайёра ШОЕВА



Тошкент шаҳар табиатни муҳофаза қилиш қўмитасининг саҳифаси

Тошкент шаҳрида "Атроф-муҳитни муҳофаза қилиш, табиий ва биологик ресурслардан оқилона фойдаланиш ҳамда уларни қайта тиклаш чора-тадбирлари"ни амалга ошириш юзасидан 9 бўлимдан иборат, 63 та тадбирларни жамлаган Дастур ишлаб чиқилган бўлиб, у Тошкент шаҳар ҳокимлиги томонидан келишилган ва Вазирлар Маҳкамаси томонидан тасдиқланган.

ТАБИАТНИ ҲИМОЯ ҚИЛИШГА МУҲИМ ЭЪТИБОР

Мазкур чора-тадбирлар доирасида табиатни муҳофаза қилишга алоҳида эътибор қаратилган, хусусан:

Атмосфера ҳавосини табиатни муҳофаза қилиш объекти сифатида муҳофаза қилиш бўйича:

Транспорт воситаларидан чиқаётган зарарли моддалар миқдорини меъёрга келтириш ва уларнинг назоратини олиб бориш мақсадида 2 босқичли "Тоза ҳаво" тадбирини ўтказиш бўйича 1-босқич жорий йилнинг 10 апрель кунидан 10 май кунигача бўлиб ўтди.

Тадбир давомида жами 17345 та автотранспортлар кўрикдан ўтказилди, улардан 1231 тасида зарарли газлар миқдори белгиланган меъёрлардан ортиқча эканлиги аниқланди. Тадбир давомида ушбу автоулов эгаларига тегишли кўрсатмалар берилди.

Назорат қилувчи органлар фаолиятини мувофиқлаштирувчи Республика Кенгаши томонидан тасдиқланган текширишлар режа жадвалига асосан, 75 та корхона ва ташкилотларда текширишлар амалга оширилди.

Хазон барглари ёқилмаслигининг олдини олиш мақсадида туманларда олиб борилган назорат ишлари давомида Ўз.Рес.МЖтКнинг 88-моддаси 3-қисми бўйича битта мансабдор шахсга нисбатан 1 302 400 сўм миқдорида жарима чораси қўлланилди.

Атмосфера ҳавосига ташланадиган зарарли ифлослантирувчи моддаларни камайтириш мақсадида, 325 та автотранспорт воситалари газ ёқилғисига ўтказилди.

Ер ва сув ресурсларини табиатни муҳофаза қилиш объекти сифатида муҳофаза қилиш бўйича:

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2013 йил 19 мартдаги "Ўзбекистон Республикасида сувдан фойдаланиш ва сув истеъмоли тартиби тўғрисидаги Низомни тасдиқлаш ҳақида"ги қарори ижроси юзасидан туманларда 75 та режали ва 61 та бюджет ташкилотларида амалга оширилган текширишлар давомида мазкур қарор талабларининг ижроси ўрганилди ва таъминланди.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2013 йил 14 июндаги "Сувдан махсус фойдаланиш ёки сувни махсус истеъмол қилиш учун рухсатнома бериш тартиби тўғрисидаги Низомни тасдиқлаш ҳақида"ги қарорининг ижросини таъминлаш мақсадида ҳисобот даврида жами 81 та сувдан махсус фойдаланиш ёки сувни махсус истеъмол қилиш учун рухсатномалар берилиши таъминланди.

Тошкент шаҳридан оқиб ўтувчи каналларнинг экологик ҳолатини соғломлаштириш мақсадида назорат тадбирларини ўтказишни ташкиллаштириш ва аниқланган камчиликларни бартараф этиш чораларини кўриш бўйича "Тоза сув ўзани" тадбири ўтказилди. Унга кўра, Чирчиқ дарёсининг ҳолатини назорат қилиш мақсадида 10 та ишлаб чиқариш корхоналарининг оқава сувларидан 23 та намуналар олиниб, 138 та кимёвий таҳлиллар бажарилди.

Биологик ресурслардан оқилона фойдаланиш ва уни муҳофаза қилиш бўйича:

Ўзбекистон Республикасининг 1997 йил 26 декабрдаги "Ўсимлик дунёсини муҳофаза қилиш ва ундан фойдаланиш тўғрисида"ги қонуни талабларининг бажарилиши юзасидан доимий назорат олиб бориш мақсадида инспекцион фаолият билан биргаликда жойлардаги тегишли ташкилотлар билан йиғилишлар ўтказиб, дарахтларнинг кесилиши тартибини мунтазам равишда тушунтириб бориш бўйича Чилонзор туманидаги "1-Қатортол", "Катта Қозиробод", "Қушбеги", "Дилбулоқ", "Тинчлик", "Мавзе-8" маҳаллаларида, Яккасарой туманидаги "Яккасарой", "Яккасарой-2", "Тепа" маҳаллаларида, Юнусобод туманидаги "Ҳасанбой" маҳалласида, Мирзо Улуғбек туманидаги "Олмачи" маҳалласида, Яшнобод туманидаги "Тараққиёт" ва "Ўрта масжид" ҳамда Чилонзор туманидаги "Нафосат", "Бешчинор" ва "Қатортол" маҳаллаларида учрашувлар ташкиллаштирилди.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2014 йил 1 августдаги "2014 – 2017 йилларда Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Ўсимлик ва ҳайвонот дунёси генофонди институтининг Ботаника боғини ривожлантириш концепцияси тўғрисида"ги қарори талабларининг бажарилиши юзасидан боғ ҳудудида доимий назорат олиб борилмоқда. Ўрганиш натижаси ҳақида ҳар чорак якунида Ўзбекистон Республикаси табиатни муҳофаза қилиш Давлат қўмитасига маълумот киритиб борилмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2014 йил 20 октябрдаги "Биологик ресурслардан фойдаланишни тартибга солиш ва табиатдан фойдаланиш соҳасида рухсат бериш тартиб-таомилларидан ўтиш тартиби тўғрисида"ги қарори талаблари ижроси доирасида туман ҳокимликларида ташкил этилган "Бир дарча" марказларидан қўмитага келиб тушган мурожаатларга улар тушган кундан бошлаб қонунда белгиланган муддатларда кесилиши мўлжалланган дарахтлар бўйича далолатнома нусхалари тақдим этиб келинмоқда.

Ҳисобот даврида мазкур марказлар орқали қўмитага келган жами 111 та мурожаатлар бўйича тегишли хулосалар киритилди.

Чиқиндиларни қайта ишлаш бўйича назорат:

Ўзбекистон Республикасининг 2000 йил 5 апрелдаги "Чиқиндилар тўғрисида"ги қонунининг ҳамда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2014 йил 27 октябрдаги "Чиқиндилар билан боғлиқ ишларни амалга ошириш соҳасида давлат ҳисоби ва назоратини олиб бориш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида"ги қарори ижросини таъминлаш мақсадида корхоналарнинг 2015 йил якунлари бўйича қўмитага тақдим этилган экологик статистика ҳисоботлари таҳлил қилинди.

Тошкент шаҳри ҳудудида фаолият юритаётган корхона, ташкилот ва муассасалар томонидан Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2010 йил 3 февралдаги "Коммунал хўжалиги тизимида табиатни муҳофаза қилиш фаолиятини яхшилашга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги қарори бўйича ишлаб чиқариш оқава сувларини канализация тармоғига ташлайдиган абонентлар учун КЭН лойиҳа ҳужжатлари ишлаб чиқиш тадбири бўйича ҳисобот даврида 21 та КЭН ҳужжати ишлаб чиқилиши таъминланиб, назоратга олинди.

Аналитик назоратга ихтисослашган Давлат инспекцияси соҳасини ривожлантириш бўйича:

Корхоналарнинг ифлослантирувчи манбаларидан намуналар олиш бўйича, ҳисобот даврида атмосфера ҳавоси бўйича 324 та ифлослантирувчи манбалардан ва оқава сувлар бўйича 202 та намуналар олиб, таҳлиллар амалга оширилди.

Ўзбекистон Республикасининг "Табиатни муҳофаза қилиш тўғрисида"ги қонуни талабларини ижро қилиш юзасидан 23 та режали текширишларда иштирок этилиб, инструментал ўлчовлар ишлари ҳамда кимёвий таҳлиллар амалга оширилди.

Корхона ва ташкилотларда идоравий назоратни амалга ошириш бўйича ҳар ҳисобот даврида 105 та идоравий назоратни амалга ошириш учун шартномалар тузилди.

Идишларни метрологик назоратдан ўтказиш мақсадида 362,0 минг сўмлик шартномага асосан муддатлари бўйича 5 та ўлчов асбоблари давлат қиёслаш назоратидан ўтказилди.

Шуни таъкидлаш жоизки, ҳар биримиз, атроф-табиий муҳитга эҳтиёткорона муносабатда бўлишимиз ва табиий ресурслардан оқилона фойдаланишга масъулдирмиз. Шундагина юртимизда ўсиб келаётган ёш авлодга нафақат соф мусаффо ҳавони таъминлаб берган, балки она табиатимизнинг гўзал манзараларини асллигича қолдирган бўламиз.

А.ҚАЛИМБЕТОВ,
Ахборотлаштириш ва тарғибот бўлими бошлиғи

АХБОРОТ ХАВФСИЗЛИГИНИ ТАЪМИНЛАШ — ДОЛЗАРБ ВАЗИФА

Ахборот технологиялари асрида ахборот хавфсизлигини таъминлаш долзарб аҳамиятга эга.

Ҳозирги замондаги энг катта хавф инсонларнинг қалбини ва онгини эгаллаш учун узлуксиз давом этаётган мафкуравий курашдир.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатида "Мамлакатда ахборот хавфсизлигини таъминлашда маҳаллий оммавий ахборот воситалари ролини янада оширишнинг долзарб масалалари" мавзуида ўтказилган давра суҳбатида шулар ҳақида сўз юритилди.

Олий Мажлис Сенатининг Ташқи сиёсат масалалари қўмитаси томонидан Сенатнинг Фан, таълим, маданият ва спорт масалалари қўмитаси, Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги, Матбуот ва ахборот агентлиги, Миллий ахборот агентлиги, Миллий телерадиокомпания, Ўзбекистон электрон оммавий ахборот воситалари миллий ассоциацияси ҳамкорлигида ташкил этилган тадбирда сенаторлар, депутатлар, вазирлик ва идоралар, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар, нодавлат нотижорат ташкилотлари вакиллари, олимлар ҳамда оммавий ахборот воситалари ходимлари иштирок этди.

Олий Мажлис Сенати раисининг ўринбосари С.Ортиқова, Сенатнинг Ташқи сиёсат масалалари қўмитаси раиси С.Сафоев, Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси раисининг ўринбосари И.Мирзаалиев ва бошқалар мамлакатимизда демократик жараёнларни чуқурлаштириш, аҳолининг ижтимоий-сиёсий фаоллигини оширишга қаратилган ислоҳотлар жараёнида ахборот эркинлигини таъминлаш, оммавий ахборот воситалари фаолиятини ривожлантиришга қаратилаётган эътибор муҳим ўрин тутаётганини таъкидлади.

Мамлакатимизда оммавий ахборот воситаларини янада либераллаштириш, сўз эркинлигини таъминлашга қаратилган кенг қамровли ташкилий-ҳуқуқий чора-тадбирлар амалга оширилди. Демократик талаб ва стандартларга тўла мос келадиган мустаҳкам қонунчилик базаси яратилди. Хусусан, "Оммавий ахборот воситалари тўғрисида", "Ахборот олиш кафолатлари ва эркинлиги тўғрисида", "Давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолиятининг очиқлиги тўғрисида"ги қонунлар соҳа ривожига хизмат қилаётир.

Давра суҳбатида оммавий ахборот воситалари фаолиятига оид қонунлар, қарорлар ва уларнинг бажарилиши, ахборот хуружи ва унга қарши иммунитетни шакллантириш, электрон ахборот маконидаги бўшлиқларни миллий ғоя ва мафкурага мос маълумотлар билан тўлдириш борасида амалга оширилаётган ишлар муҳокама этилди.

Ахборот хавфсизлигини таъминлаш соҳасидаги билимларни такомиллаштириш, соҳада амалга оширилаётган чора-тадбирларни янада кучайтириш, оммавий ахборот воситалари ходимларининг малака ва кўникмаларини ошириш, соҳага оид норматив-ҳуқуқий базани такомиллаштириб бориш зарурлигига эътибор қаратилди. Ушбу йўналишдаги ишларни янада такомиллаштириш, маънавий-маърифий тарғибот ишларининг таъсирчанлигини ошириш, замонавий ахборот технологиялари ва механизмларидан унумли фойдаланиш, жамиятда мафкуравий иммунитетни мустаҳкамлашга қаратилган самарали усулларни ишлаб чиқиш юзасидан фикрлар билдирилди.

Н.АБДУРАИМОВА,
ЎзА мухбири



Инсон дунёга келар экан, у умрининг охиригача табиат неъматларидан фойдаланади, кийинади, овқатланади, табиат гўзалликларидан эстетик завқ олади, ҳордиқ чиқарди, шундай экан ҳар бир одам табиатга эҳтиёткорона муносабатда бўлиши керак.

ЭКОЛОГИК ТАРБИЯ ОИЛАДАН БОШЛАНАДИ

Экологик тарбия табиатни муҳофаза қилиш, табиатдан оқилона фойдаланиш, экологик шароитларни яхшилашда муҳим рол ўйнайди.

Албатта экологик вазият, табиатдан ўринли фойдаланиш кўп жиҳатдан аҳолининг экологик саводхонлиги, экологик маданиятига ҳам боғлиқдир.

Кундалик ҳаётимизда экологик тарбия оиладан бошланиб, боғчадан олий ўқув юртигача давом этиши керак.

Юртимизда сўнгги йилларда амалга оширилаётган тадбирларнинг диққат марказидаги масалалардан бири ҳам экологик тарбиядир. Уни ривожлантириш учун жаҳон, алоҳида давлатлар миқёсида турли тадбирлар ўтказилмоқда. Ҳар бир соҳа мутахассиси экологияни тушуниши ва ўз кундалик ҳаётида табиатга зарар етказмаслиги, экологик тарбияни ўз оиласидан бошлаши лозимдир.

Мактабларда, олий ўқув юртларида, саноат, ишлаб чиқариш корхоналарида, шунингдек, фермер хўжаликларида, маданият уйларида табиатшунослик клуби, табиатни муҳофаза қилиш жамиятлари, ўлка музейлари, бурчаклари ташкил этилган бўлиб, бу табиатимизнинг бойликларини ўсиб келаётган ёш авлодга етказишда катта аҳамиятга эга.

Бундай тадбирларга соҳа мутахассисларини таклиф этиш, суҳбатлар уюштиришнинг ҳам аҳамияти каттадир.

Ватанимиз бўйлаб сафарларга ёшларни жалб этиш, уларни ҳайвонот, қушлар дунёси билан таништириш уларда табиатга нисбатан қизиқишни оширибгина қолмай, меҳр уйғотади.

Ёшлар учун газета ва журналларда, радио, телевидениеда доимий дастурлар ташкил этилиб, бундай кўрсатувларда, эшиттиришларда табиатни мадҳ этувчи, унинг бойликларини муҳофаза этувчи маълумотлар бериб борилмоқда.

Табиат муҳофазаси бўйича фаолият юритаётган муассасаларда табиат, уни муҳофаза этишга бағишланган ҳаваскорлик фильмлари, фотосуратлар, мақолалар учун танловлар ўтказилиши ҳам атроф-муҳитни тоза сақлаш, уни муҳофаза қилишда катта аҳамият касб этади.

Доимо вилоят ва туманларда ёш олимлар, мутахассислар, фаолларнинг табиат муҳофазаси муаммолари бўйича ўқув-семинарларини ўтказиш ҳам зарур тадбирлардан бири ҳисобланади.

Ёшларнинг табиий бойликларни тиклаш ҳамда муҳофаза қилишга жалб қилиниши бу борада ҳашарларни ўтказиш ҳам ҳайрли ишлардан ҳисобланади.

Дам олиш масканларига келган кишиларга табиат муҳофазаси бўйича маслаҳат бериш, уларни нодир ва ноёб ўсимлик ҳамда ҳайвонот олами намуналари билан таништириш зарурдир. Сайр қилувчиларга, сайёҳларга албатта табиатга зарар келтирмаслик, ифлос қилмаслик масалаларини тушунтириш лозим.

Сайёҳлар ўрмонлар ичида, ноёб ва нодир ўсимлик намуналари мавжуд бўлган жойларда гулхан ёқмасликлари керак, шунингдек, муҳофазага мансуб дарахтлар синдирилмаслиги, ноёб гул-чечак намуналари узилмаслиги шарт. Атрофни ифлослантирмасликлари, тоштамасликлари, гиёҳларни пайхон қилмасликлари лозим. Бу борада албатта тушунтириш ишларини олиб бориш катта аҳамият касб этади.

Табиат қўйнида фойдали меҳнат қилган, экологик жиҳатдан тарбия олган болажонларимиз албатта, камтар, меҳрибон, сахий, меҳнатсевар бўлиб ўсадилар.

Кейинги йилларда бизда аҳолига, айниқса ёшларга экологик билим бериш борасида маълум ишлар қилинмоқда. Ўрта ва олий ўқув юртларида талабаларга экология фани ўқитилмоқда, улар магистратурада билим олишмоқда, табиатни муҳофаза қилиш бўйича мутахассислар тайёрланмоқда.

Бундан ташқари, экологиянинг долзарб муаммолари ҳақида хабарлар, мақолалар бериб борилиб, радио, телевидениеда кўрсатувлар уюштирилмоқда.

Болаларни ўсимлик ва ҳайвонларни парвариш қилишга ўргатиш, уларни табиатга меҳр-муҳаббат руҳида тарбиялаш катта аҳамиятга эга.

Бу давлат аҳамиятига эга бўлган долзарб масаладир. Ёшларни соғлом, билимдон, меҳр-оқибатли қилиб тарбияласак, яъни табиатга меҳрини ўзгача уйғота олсак, ўсиб келаётган келажак авлод учун гўзал табиатимизни асллигича қолдирган бўламиз.

Авазжон КОМИЛБЕКОВ

АТРОФ-МУҲИТ МУҲОФАЗАСИ

Мамлакатнинг ташқи ва ички экологик сиёсатини жаҳон талаблари доирасида олиб боришда қонуний ҳужжатлар ҳал қилувчи рол ўйнайди. Мустақиллик йилларида Ўзбекистонда 120 дан ортиқ қонун ва қонун ости ҳужжатлари қабул қилинган.

Экологик қонунчиликнинг мақсади инсонларнинг саломатлиги, меҳнат ва маиший шароитлари тўғрисида ғамхўрлик қилиш ҳисобланади.

Экологик қонунчилик бир неча даражаларни ўз ичига олади. Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг нормалари экологик қонунчиликнинг асосини ташкил қилади.

Атроф-муҳитни муҳофаза қилиш масалалари Конституциянинг 50,54, 55 ва 100-моддаларида белгиланган. Чунончи, Асосий Қонунимизнинг 50-моддасида "Фуқаролар атроф-табиий муҳитга эҳтиёткорона муносабатда бўлишга мажбурдирлар" деган қоида мустаҳкамланган. Ушбу талабга кўра, Ўзбекистоннинг ҳар бир фуқароси атроф табиий муҳитни муҳофаза этиши ва табиий бойликлардан оқилона фойдаланиш талабларига тўла амал қилиши шартдир.

Асосий Қонуннинг 54-моддасига кўра, жамиятнинг иқтисодий негизларидан бири бўлган мулкий муносабатлар бозор иқтисодиёти қонуниятларига мос равишда эътироф этилади. Лекин мулкдор ўз хоҳишича мулкка эгалик қилиши, фойдаланиши ва уни тасарруф этиши ҳеч қачон экологик муҳитга, яъни атроф-муҳит ҳолатига зарар етказмаслиги керак.

Конституциянинг 55-моддасига мувофиқ "Ер, ер ости бойликлари, сув, ўсимлик ва ҳайвонот дунёси ҳамда бошқа табиий заҳиралар умуммиллий бойликлар,улардан оқилона фойдаланиш зарур ва улар давлат муҳофазасидадир".

Умуммиллий бойлик тушунчаси Ўзбекистон Конституциялари тарихида биринчи бор қўлланилган бўлиб, у барча турдаги мулк шаклини инобатга олади. Лекин барча табиий объектлар халқимизнинг мулки бўлиб, уни Ўзбекистон Республикаси илк бор мустақил тасарруф этиш ҳуқуқига эга бўлди. Эндиликда миллий бойлик бўлган барча табиий заҳиралардан самарадорлик билан фойдаланиш мамлакатимиз ривожининг заминидир. Шунинг учун ҳам уни давлат муҳофазасига олади.

Конституциянинг 100-моддасига биноан илк бор шаҳар, туман, вилоят маҳаллий ҳокимиятларига ўз маъмурий-ҳудудий бўлинмаларида атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ваколати топширилган. Уларда яшовчи аҳолининг экологик жиҳатдан ҳавфсизлигини таъминлаш, иқтисодий экологик тадбирларни уйғунлаштириш ҳамда келажак истиқболларни белгилаш мақсадида табиий объектларни муҳофаза қилиш чора-тадбирларини тегишли ҳудудлар бўйича ишлаб чиқиш, улардан фойдаланиш, эгаллаш, ижаралаш ва мулк сифатида бериш ҳуқуқини яратди, назорат-жавобгарлик механизмини такомиллаштиришга имкон берди.

1992 йил 9 декабрда қабул қилинган "Табиатни муҳофаза қилиш тўғрисида"ги қонун экология соҳасидаги асосий қонун ҳисобланади.

Мавжуд қонунлар ва норматив-ҳуқуқий ҳужжатларда фуқароларнинг экологик ҳуқуқларига катта ўрин берилган.

"Табиатни муҳофаза қилиш тўғрисида"ги қонуннинг мақсади инсон ва табиат ўртасидаги муносабатлар уйғун мувозанатда ривожланишини, экология тизимлари, табиат комплекслари ва айрим объектлар муҳофаза қилинишини таъминлашдан, фуқароларнинг қулай атроф-муҳитга эга бўлиши ҳуқуқини кафолатлашдан иборатдир" деб таъкидланади.

Қонуннинг 12-моддасига биноан "Ўзбекистон Республикаси аҳолиси табиатни муҳофаза қилиш бўйича жамоат ташкилотларига бирлашиш, атроф-табиий муҳитнинг аҳволи ҳамда уни муҳофаза қилиш юзасидан кўрилаётган чора-тадбирларга доир ахборотларни талаб қилиш ва олиш ҳуқуқига эга.

Демак, ҳар бир фуқаро ўзи яшайдиган жойдаги экологик вазият ва унинг келгусида ўзгариши бўйича мутасадди ташкилотлардан мавжуд маълумотларни олиш, ўрганиш ва ундан фойдаланишга ҳақлидир. Ҳар бир киши ўз хоҳиши бўйича атроф-муҳитни муҳофаза қилишга ҳиссасини қўшиши учун барча имкониятлар мавжуд. Бирор корхона ёки бошқа объектлар фаолияти натижасида инсонлар саломатлигига зарарли таъсир кўрсатаётган бўлса шикоят орқали ҳокимият, бошқарув ва табиатни муҳофаза қилиш идораларининг қарори билан уларнинг фаолияти чекланиши, тўхтатиб қўйилиши, тугатилиши ёки ўзгартирилишига эришиш мумкин. Юридик ва жисмоний шахслар экологик зарарли корхона фаолиятини тўхтатиш тўғрисида судга даъво билан мурожаат қилишга ҳақлидирлар.

Заҳарли чиқиндиларни ташлаш натижасида экинларни, балиқларни нобуд қилиш, табиий объектларни бузиш, етказилган зарар учун корхоналар, мансабдор шахслардан ва фуқаролардан белгиланган тартибда товон пулини ундириш мажбурийдир.

Мавжуд қонунчиликда табиатдан оқилона фойдаланиш, янги, кам чиқитли технологияларни жорий қилиш чора-тадбирларини амалга оширган корхоналар, муассасалар, ташкилотлар ва фуқаролар учун рағбатлантириш кўзда тутилган.

Даврон НУРМАТОВ

ФАОЛИЯТНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ЙЎЛИДА

Юртимизда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликка кенг эътибор берилаётгани боис соҳа жадал ривожланмоқда. Олмазор туманида 2009 йили ташкил этилган "Аъло омад ривож" хусусий корхонаси буюртма асосида халқ хўжалиги учун керакли маҳсулотларни ишлаб чиқармоқда.


Хусусий корхонада асосан хотин-қизлар меҳнат қилишади. Бугун аёлларга бўлган эътибор, уларни ижтимоий қўллаб-қувватлаш давлат сиёсати даражасига кўтарилган.

Корхона шу кунгача буюртма асосида 240 дан ортиқ давлатнинг рамзий байроқларини ишлаб чиқарди. Бундан ташқари бу ерда ҳар хил тур ва ҳажмдаги спорт формалари тайёрланаяпти, шифохоналарга, меҳрибонлик уйларига ҳамда мактабгача таълим муассасаларига чойшаб ва кўрпа жилдлар тикилиб, буюртмачиларга етказиб берилмоқда. Корхона асосан давлат ташкилотлари билан шартнома асосида ишлайди. Ўзбекистон Футбол федерацияси, Олимпия қўмитаси, ҳокимликлар, Таэквондо федерацияси, "Камолот" ЁИҲ каби ташкилотлар шулар жумласидан.

"Аъло омад ривож" хусусий корхонасининг раҳбари Мафура Қодирова ўз атрофига 20 дан ортиқ моҳир тикувчиларни бирлаштирган ҳолда доимо сифатли маҳсулот ишлаб чиқаришларини таъминлайди. Кейинги пайтларда корхонага касб-ҳунар коллежини битириб келган ёшлар ишга олиниб, малакали тикувчилар томонидан касб сирлари ўргатиб келинмоқда. Бугун "устоз – шогирд" меҳнатлари самараси туфайли бир-биридан бежирим, чиройли маҳсулотлар ўз буюртмачиларига етказиб берилмоқда.

Ш.ЗОКИРОВ





Ислом Исмоилов олган суратлар

ШИФОБАХШ НЕЪМАТЛАР

Таниқли Шарқ табиби Ву Синнинг таъкидлашича, қўзиқоринларнинг шифобахш хусусияти доривор гиёҳларникидан анча юқори. Зеро, гиёҳлардан фарқли ўлароқ қўзиқоринлар организмга фаолроқ таъсир кўрсатади. Японияда ўсувчи шиитаке қўзиқоринини эса қадимдан қўзиқоринли одамгиёҳ ёки илоҳий қўзиқорин деб аташган.

Ундан деярли барча касалликларни даволашда фойдаланишган. Шиитакени етиштириш усулини эса қаттиқ сир сақлашган. Фақат япон зодагонларигина ўз қўзиқорин плантацияларига эгалик қилиши ҳамда унинг мўъжизавий шифосидан баҳраманд бўлишлари мумкин эди.

Қўзиқоринларнинг таркибида 91 фоизгача сув, 3,2 фоиз оқсил, 0,5 фоиз ёғ, 3,7 фоиз углевод, 0,8 фоиз минерал тузлар мавжуд. Шунингдек, олимлар қўзиқоринлар таркибида турли-туман биологик фаол моддалар борлигини аниқлашган. Масалан, қўзиқорин полисахариди саратонга қарши кучли таъсирга эга. Ушбу модда шиитакедан ташқари, рейши, мейтаке, агарик, кордицепс, веселка, оқ қўзиқорин сингари қўзиқоринлар таркибида бор. Улар оқсил ишлаб чиқариб, саратон ҳужайраларининг жадал кўпайишига имкон бермайди. Бу эса ўз навбатида организмга ўсмаларга қарши курашишда ёрдам беради.

Қўзиқоринларда, шунингдек, вирусларни нобуд қилувчи фитонцидлар борлиги аниқланган.

Қўзиқоринлар таркибидаги терпеноидлар стрессга чидамлиликни оширади, эркин радикаллар йиғилишига тўсқинлик қилади ва аллергиянинг асосий қўзғатувчиси бўлган гистаминни бартараф этади; улар, шунингдек, бўғимлардан тузларни чиқариб юборишни енгиллаштиради. Қўзиқоринларни қиздирганда полисахаридлар парчаланади. Туз ва сирка улар таркибидаги фойдали моддаларни сақлаб қолишга ёрдам бермайди. Шу боис, қўзиқоринларга махсус ишлов берилсагина, уларнинг шифобахш хусусиятини сақлаб қолиш мумкин.

Ўзбекистонда қўзиқориннинг ейишли бўлган вешенка, подгруздь, лисичка, маслёнок, моховик, ўтлоқ шампиньони, оқ, кулранг ва малла турлари бор.

Лисичка. Қизиғи шундаки, ушбу қўзиқоринга қурт тушмайди. Сабаби, унинг таркибида антиқа модда — хиноманоз топилган бўлиб, паразитлар қўйган тухумларни эритиб юборади. Табиий антигельминт восита сифатида қўлланилади, ножўя таъсири йўқ.

Вешенка. Организмдан токсинлар чиқиб кетишига ёрдам беради, фойдали ичак микрофлораси фаолияти ва қондаги липидлар даражасини меъёрлаштиради, шунингдек, қон босимини туширib, юрак-қон томир ва саратон касалликлари пайдо бўлиш хавфини камайтиради, нерв тизими ишини яхшилайди.

Оқ қўзиқорин. Маълумотларга кўра, оқ қўзиқоринни мунтазам истеъмол қилиб туриш айрим ошқозон-ичак ва саратон касалликларининг ривожланиш хавфини бартараф этади. Ушбу қўзиқориндан олинган сув экстракти билан қадим замонлардан буён яра ва совуқ еган аъзоларни даволашган. Оқ замбуруғ силни даволашда, мадор қуриганда ҳамда моддалар алмашинувини яхшилаш учун истеъмол қилинган. Оқ қўзиқоринлар таркибида шунингдек, герценин моддаси топилган бўлиб, улардан стенокардияни даволашда фойдаланишган.

Қўзиқоринлар — на ўсимлик, на ҳайвонот оламига кирувчи ўзига хос жонли табиат салтанати. Улар бундан қарийб бир миллиард йил муқаддам пайдо бўлган бўлиб, айни вақтда ер юзидаги энг кўп тарқалган, энг хилма-хил тирик организмлардан бири ҳисобланади. Тахминий ҳисоб-китобларга кўра, сайёрамизда қўзиқоринларнинг 100 мингдан 250 минггача тури мавжуд. Лекин олимлар уларнинг бор-йўғи 5 фоизини ўрганишган, холос.

Азизбек НИЗАМОВ,
Тошкент шаҳар Саломатлик ва тиббий статистика институти директор ўринбосари

Спорт янгиликлари

САЛОМАТЛИК ГАРОВИ

Юртимизда жисмонан ва маънан етук авлодни вояга етказишда спорт энг муҳим ва самарали воситага айланганини алоҳида таъкидлаш жоиз. Зеро, спорт орқали инсонда саломатлик, баркамоллик, қатъият, мардлик, миллий ғурур каби фазилатлар шаклланади.

Спортга меҳр қўйган ёшларнинг қамрови тобора кенгайиб бораётгани эртамиз эгаларининг жисмоний ва маънавий жиҳатдан соғлом, баркамол бўлиб улғайишида муҳим омил бўлмоқда. Бу жараёнда болалар спорти иншоотларида спорт турлари билан шуғулланиш учун зарур шарт-шароитлар яратилаётгани диққатга сазовор.

Шаҳримиздаги 2-сонли болалар ва ўсмирлар спорт мактаби спортсевар ёшлар учун қулайлик яратиш билан бирга бўш вақтларини мазмунли ўтказиш, жисмоний маҳоратларини юксалтиришга хизмат қилмоқда. Мазкур мактабда ўғил-қизлар спортнинг ўн икки – мини-футбол, баскетбол, сузиш, таэквондо, дзюдо, енгил атлетика, кураш каби турлари билан шуғулланиб келмоқда. Ўтган вақт мобайнида ўғил-қизлар Ўзбекистон ва халқаро мусобақалар совриндорларига айланишганини фахр билан айтиш жоиз.

2-БЎСМда 6 ёшдан 18 ёшгача бўлган ўғил-қиз ўзлари хоҳлаган спорт тури билан шуғулланиши учун барча шароит яратилган. Спортсевар ёшлар учун спорт зали, ёпиқ сузиш ҳавзаси, тиббиёт, ювиниш ва кийим алмаштириш хоналари мавжуд. Маҳаллада истиқомат қилувчи аҳоли билан бир қаторда спорт мактаби билан ёнма-ён жойлашган 257-, 258-умумтаълим мактаблари ҳамда Тошкент иқтисодиёт коллежи ёшлари учун ҳам қулай шароит яратилганини алоҳида таъкидлаш жоиз.

Хулоса ўрнида айтиш мумкинки бу каби спорт мактабларида шуғулланаётган ўғил-қизлар келгусида спортда кўплаб ютуқларни қўлга киритишлари, халқаро мусобақаларда юртимиз байроғини баланд кўтаришга эришишлари шубҳасиз.

Зиёда РАСУЛОВА

Футбол бўйича жорий йилги Осиё чемпионлар лигаси турнирининг чорак финалига йўлланма олган пойтахтимизнинг "Локомотив" жамоаси Тошкентда 13 сентябрь куни БААнинг "Ал-Айн" клубига қарши такрорий учрашувда куч синашади.

ҲОЗИРЛИК КЎРИЛМОҚДА

Мухлисларнинг хабари борки, БААда "Ал-Айн" жамоаси билан Осиё чемпионлар лигаси турнирининг чорак финали дастлабки баҳсида юзма-юз келган темирйўлчилар қитъамизнинг номдор жамоасига муносиб қаршилик кўрсатишган ҳамда учрашувда дарвозалар дахлсиз қолган эди.

Тошкентда ўтадиган жавоб беллашувида "Локомотив"ни фақат ғалаба қониқтиради. Шу боис темирйўлчилар "Ал-Айн" жамоасига қарши баҳсга "Локомотив" стадионида жиддий тайёргарлик кўришмоқда.

УЧРАШУВ САНАСИ МАЪЛУМ

Айни кунларда миллий терма жамоамиз футбол бўйича 2018 йилда Россияда уюштириладиган жаҳон чемпионатига саралаш турнирининг учинчи босқичида иштирок этмоқда.

Маълумки, "Пахтакор" жамоасининг айрим етакчи футболчилари миллий терма жамоамиз шарафини ҳимоя қилишади. Шу боис ҳам Ўзбекистон XXV миллий чемпионатининг 20-туридан ўрин олган "Пахтакор" – "Қизилқум" баҳси қолдирилган эди. Ушбу баҳс 21 сентябрь куни ўтказиладиган бўлди.

ЙИГИРМАНЧИ ТУР БЕЛЛАШУВЛАРИ

Футбол бўйича олий лига жамоалари мамлакат XXV миллий чемпионати 20-тур баҳсларида ўзаро куч синашишди.

Олий лиганинг янги вакили пойтахтимизнинг "Обод" жамоаси ушбу турда Тошкентда "Металлург" командаси билан беллашди. Кўпчилик мутахассислару мухлислар ушбу баҳсда меҳмонлар албатта ғалаба қозонади, дея таҳмин қилишганди.

Аммо ўйин шиддатли ва кескин курашлар остида кечди. 90 дақиқа давомида мухлислар дарвозаларга киритилган иккита голнинг гувоҳи бўлишди. Учрашув 1:1 ҳисобида якунланди. Дарвозага голларни "Обод"дан – Ш.Нархонов, "Металлург"дан А.Нўъмонов йўллашди.

Қолган баҳслар қуйидагича якунланди: "Шўртан" – "Навбаҳор" – 3:2, "Қўқон – 1912" – "Насаф" – 1:2, "Андижон" – "Бухоро" – 1:4, "Сўғдиёна" – "Нефтчи" – 1:0.

Бруней – Доруссалом қироллигида болалар ва ўсмирлар футболи мураббийлари иштирокида ФИФА ташаббуси билан ўқув-курслари уюштирилди.

ҲАМЮРТИМИЗГА ИШОНЧ

Мамлакатда болалар ва ўсмирлар ўртасида миллионлар ўйини – футболга қизиқишни кучайтириш ҳамда ривожлантириш мақсадида Бруней – Доруссалом қироллиги футбол ассоциацияси илтимосига кўра ФИФА томонидан ташкил этилган ушбу ўқув-семинарини ҳамюртимиз ФИФА, ОФК инструктори Ислом Аҳмедов бошқарди.

СЕМИНАРДА ИШТИРОК ЭТИШДИ

Хитойнинг Шанхай шаҳрида Осиё футбол конфедерацияси ташаббуси билан махсус семинар ташкил этилди.

Осиё чемпионлар лигаси турнирининг чорак финалига етиб келган клублар, Олимпиада ўйинларида ҳамда аёллар ўртасида ўтказилган жаҳон чемпионатида иштирок этган терма жамоалар мураббийлари иштирокидаги махсус семинарда пойтахтимизнинг "Локомотив" жамоаси устозлари – Андрей Микеяев ва Мирко Йеличич ҳам қатнашиб, оммавий ахборот воситалари ходимларини қизиқтирган саволларга жавоб беришди.

Акбар ЙЎЛДОШЕВ

ФАРЗАНДЛАРИМИЗ СОҒЛОМЛАШТИРИЛАДИ

Мамлакатимизнинг турли шаҳар ва вилоятларидан 16 нафар бола Германия клиникаларида бепул даволаниш учун жўнаб кетди.

Акция Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги, "Соғлом авлод учун" халқаро хайрия фонди ва "Friendsdorf International" халқаро ташкилоти томонидан 2002 йили имзоланган ҳамкорлик тўғрисидаги уч томонлама шартнома ижроси доирасида ташкил этилди.

Мустақиллик йилларида баркамол авлод тарбияси ижтимоий соҳада амалга оширилаётган изчил ислоҳотларнинг устувор йўналишига айланди. "Соғлом авлод учун" халқаро хайрия фонди ҳам бу борада салмоқли ишларни амалга оширмоқда. "Соғлом она ва бола йили" Давлат дастури ижроси доирасида касалликларнинг олдини олиш, болаларни соғломлаштириш бўйича турли лойиҳалар ҳаётга татбиқ этилаётир. Бу лойиҳаларнинг аксарияти турли давлатлардаги гуманитар ташкилотлар билан ҳамкорликда амалга оширилмоқда. "Friendsdorf International" халқаро ташкилоти фоднинг кўп йиллик ҳамкорларидан биридир.

– Ўзбекистонлик ҳамкасблар билан ҳамкорлигимиз давомида салмоқли натижаларга эришдик, – дейди "Friendsdorf International" халқаро ташкилотининг ижтимоий ёрдам дастурлари мувофиқлаштирувчиси Мария Тиннефельд. – 2002-2016 йилларда Германия клиникаларида Ўзбекистондан 300 дан зиёд бола соғломлаштирилди. Жорий йилда юзида туғма нуқсони бўлган 94 бола муваффақиятли операция қилинди.

– Мазкур акция ташкилотчиларидан миннатдорман, – дейди ЎзА мухбирига Фарғона вилояти Учкўприк туманидан Г.Мамажонова. – Ўғлим соғайиб кетишига ишонаман.

Фонд оналик ва болаликни муҳофаза қилиш, болаларни соғломлаштириш, болалар спортини ривожлантириш, истеъдодли ёшларни аниқлаш ва қўллаб-қувватлашга қаратилган дастурларни амалга ошириш ишларини давом эттирмоқда.

М.ҚАРШИБОЕВ

"ТОШКЕНТ ОҚШОМИ" ва "ВЕЧЕРНИЙ ТАШКЕНТ"

Эълонлар шанба ва якшанбадан ташқари ҳар куни соат 9.00 дан 16.00 гача қабул қилинади. Маълумотлар учун телефон: 233-28-95. Факс: (371) 232-11-39. Манзилимиз: Матбуотчилар кўчаси, 32-уй, 2-қават, 225-хона.

ЎЗГИДРОМЕТ ХАБАР ҚИЛАДИ

*Тошкент шаҳрида **5 сентябрь** куни ҳаво ўзгариб туради, бироқ ёғингарчилик бўлмайди. Шарқдан секундига 5-10 метр тезликда шамол эсади. Ҳарорат кечаси — 18-20, кундузи — 32-34 даража иссиқ бўлади.*

*Ўзгидрометнинг мониторинг хизмати маълумотига кўра, **5 сентябрда** Тошкент шаҳрининг об-ҳаво шароити шаҳар ҳаво муҳитида зарарли моддаларнинг бир оз сақланиб қолишига имконият яратади, ифлосланиш даражаси паст бўлади.*

Тошкент оқшоми
Манзилимиз: 100029, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32
ТЕЛЕФОНЛАР: Эълонлар: 233-28-95, факс: (371) 233-29-55
2007 йил 19 январда Тошкент шаҳар Матбуот ва ахборот бошқармасида 02-1-рақам билан рўйхатга олинган
Нашрни етказиб бериш масалалари бўйича турар жойлардаги почта бўлимларига ёки «Тошкент почтамтига — 233-74-05 телефонига мурожаат қилишингиз мумкин.
Газета таҳририят компьютер марказида терилди ва саҳифаланди.
МУАССИС: ТОШКЕНТ ШАҲАР ҲОКИМЛИГИ
ISSN 2010-9227
Бизнинг электрон манзил: gazeta-vto@umail.uz
Буюртма Г- 955
Душанба, сешанба, чоршанба, пайшанба ва жума кунлари чиқади
Нашр кўрсаткичи — 563
Ҳажми — 2 босма табоқ, офсет усулида босилади. 4875 нусхада босилди. Қоғоз бичими А-2
Топшириш вақти: 13.00
Нашр учун масъул О. Ҳазратов
Босишга топширилди: 04.50
«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: Буюк Турон кўчаси, 41-уй
Бош муҳаррир Акмал АКРОМОВ